

Талабгорнинг фамилияси, исми : **Сатторов Орифжон Боймуродович**

Диссертация мавзуси: **“Фермер хўжаликларида интенсив боғдорчиликни ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш йўналишлари”.**

Ихтисослик: 08.00.04-Агросаноат мажмуи иқтисодиёти.

Диссертация ёқланаётган фан соҳаси: Иқтисод фанлари номзоди.

Илмий раҳбар: и.ф.д., Хушматов Норкул Садуллаевич.

Диссертация иши мавзусини танлаш бўйича

АСОСНОМАСИ

Мавзунинг долзарблиги. Қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш бевосита агросаноат тармоғи иқтисодиётини комплекс ривожлантириш масаласи билан бевосита боғлиқлиги бу эса ўз навбатида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосини ташкил этиши сабабли республикада олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар аграр тармоқда устиворлик асосида амалга оширилмоқда.

Мамлакат аграр тармоғида интенсив боғдорчиликни маҳсулотлари етиштириш ва уни экспортга чиқариш борасида жуда катта тўлиқ фойдаланилмай ётган имкониятлар мавжуд. Таҳлиллар кўрсатишича, республикада етиштирилган интенсив боғдорчиликни маҳсулотлари ички талабдан ортиқча бўлган йилларда маҳсулотнинг ички бозордаги ўртача баҳолари жуда пасайиб кетиб маҳсулот етиштирувчи деҳқон зарар кўриши кузатилади. Шунингдек, шаклланган паст бозор баҳоси маҳсулотларни бозорга чиқаришга тўсиқ бўлиб, маҳсулотнинг аксарият кўп қисми истеъмолчига етмасдан нобуд бўлишига олаб келади.

Кўплаб омиллар билан бир қаторда маҳсулотларнинг ўртача бозор баҳолари пасайиши ёки нобудгарчиликлар миқдори ортишида маҳсулотни сотиш тизимининг яхши йўлга қўйилмаганлиги катта тўсиқ бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий аҳволи ёмонлашуви орқали мамлакат аҳолисини сифатли озиқ-авқат маҳсулотлари билан таъмин этишда муаммолар пайдо қилади.

Шунингдек, мева маҳсулотлари аҳоли истеъмол талабларини қондиришда асосий ўринни эгаллаган ҳолда қайта ишлаш саноати учун ҳам асосий хом ашё бўлиб, ушбу тармоқда банд бўлганларнинг даромад манбаи ҳисобланади. Шу боис, мева тармоқларини ривожлантиришга сўнгги йилларда мамлакат миқёсида катта эътибор берилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709-сонли «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғриси» даги Фармони, мамлакатда мева маҳсулотлари етиштириш, уни қайта ишлашни, тармоқда фермер хўжаликларини ривожлантириш, фермернинг ҳуқуқ ва мустақиллигини

кенгайтириш, фермерлар томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг бозор талабига тез мослашувчан кичик технологияларидан фойдаланишини рағбатлантириш ва агросаноат фирмаларини ривожлантириш вазифаси қўйилган.

Ушбу Фармон ижросини таъмин этиш мақсадида 11 январ 2006 йилда Республика Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғриси»даги ПҚ-255 сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида интенсив боғдорчиликни худудларида фаолият юритаётган ширкат хўжаликлари негизида ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этган ҳолда, аҳоли зич яшайдиган турар жойларда ҳамда деҳқон бозорларида «Дала-дўкон» тамойили бўйича ихтисослашган савдо шаҳобчалари ва дўконларини ташкил этиш, янгидан ташкил этилаётган мева-сабзавотчилик йўналишидаги фермер хўжаликларига маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб беришда транспорт хизматлари кўрсатиш тармоғини шакллантириш, интенсив боғдорчиликни йўналишидаги агросаноат фирмаларини ташкил этиш орқали, янги узилган ва қайта ишланган мева маҳсулотларини экспорт қилиш учун шарт шароитларни кенгайтириш масаласи муҳим вазифа сифатида белгилаб қўйилди.

Интенсив боғдорчилик йўналишида ташкил этилаётган фермер хўжаликларини ягона ер солиғини тўлашдан 5 йил муддатга, янги ташкил этилаётган агросаноат фирмаларини эса даромад (фойда) солиғи, ер солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи (импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўлови тўлашдан 3 йил муддатга озод этилиб, солиқ солишдан бўшайдиган маблағларни эса мева маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга, янги боғ яратиш ва боғларни кенгайтиришга сарф қилинишини белгилаб қўйиши ушбу соҳа ривожига катта туртки бўлди.

Мева маҳсулотлари ички бозорида маҳсулот сотиш тизими замон талабларига жавоб бермаслиги, тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналарнинг монопол вазияти сақланиши, мева маҳсулотларини экспорт қилишдаги муаммолар, маҳсулот етиштириш ҳажми ортишига ва сифати яхшиланишига салбий таъсир этмоқда.

Республикада мева маҳсулотлари асосан хусусий тармоқда етиштирилаётган бўлиб, унинг 75-85 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликлари зиммасига тўғри келган бўлса, ширкат хўжаликлари тугатилгандан сўнг мева-сабзавотнинг асосий етиштирувчилари деҳқон ва фермер хўжаликлари бўлиб қолишди. Демак, тез бузиладиган, мавсумий пишиб етиладиган ва транспорт ташишга кўп ҳолларда ноқулай бўлган сабзавот маҳсулотлари жуда кўп сонли, жойлашуви жиҳатидан тарқоқ бўлган, ҳажми кичик деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилмоқда. Ушбу тизимда етиштирилган маҳсулотнинг катта қисми истеъмолчига етмасдан турли сабаблар натижасида жумладан, маҳсулотларни сотиш тизимининг маҳсулот етиштирувчи ва сотувчи тармоқ ривожланиши ва истеъмолчиларнинг харид қилиш хусусиятларига жавоб бермаслиги сабабли нобуд бўлиш ҳавфи катта.

Хусусан, республикада Президент И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш технологияси жуда орқада қолгани туфайли ҳар йили картошка, томат, карам, лавлаги, сабзи ҳамда бошқа сабзавот ва меваларнинг 20-40 фоизи исроф бўлмоқда. Жаҳон бозорини ўзлаштириш кўп

жиҳатдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўриниши билан боғлиқ. Бунда маҳсулотларни навларга ажратиш, ўраш, қадоқлаш ва истеъмолчига ўз вақтида етказиб бериш назарда тутилмоқда»¹.

Республикада мева маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб беришдаги савдо тизимини жумладан, маҳсулотларнинг ёппасига пишиб етилиши, маҳсулотларни самарали (максимал фойда билан) сотиш ва шунингдек, халқимиз дастурхонига йил давомида сифатли мева маҳсулотларини етказиб бериш, яхши жиҳозланган маҳсулот сақлаш тармоқлари, омборхоналар, транспорт хизматларини ва савдо тармоғини шакллантиришни тақозо қилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларнинг ҳал этилишида, маҳсулот етиштирувчи ва уни харид қилувчи ва қайта ишловчи соҳалар ўртасидаги, иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, мева-сабзавотчилик тармоғида агробизнесни ривожлантириш орқали маҳсулот сотиш тизимини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Етиштирилган маҳсулотларни сотиш тизимида кўп сонли маҳсулот етиштирувчилар муаммоларини самарали ҳал этишда кооперация тамойилларидан кенг фойдаланиш ижобий натижаларга олиб келиши дунё амалиётида ўз исботини топганлиги танланган мавзунинг долзарблигини ўзида акс эттиради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мева маҳсулотлари етиштириш соҳасини ривожлантириш иқтисодий муаммолари ва қишлоқ хўжалигида кооперация ва интеграция жараёнини ривожлантириш масалаларида агроиқтисодчи олимлардан Бороздин Р.Г., Кабанова К.А., Ларин И.С., Николаева Н.К., Ризаев М.Т., Хусанов Р.Х., Усмонов С.Н., Жумаев О., Хушвақтова Х., ва бошқа қатор иқтисодчи олимлар илмий изланишлар олиб боришган.

Аммо, шу билан бирга юқоридаги муаллифлар ишлари турли даврларда, умумий ҳолда бажарилган бўлиб маҳсулотни сотиш тизимини алоҳида муаммо сифатида танлаган ҳолда чуқур ёндашилмаган. Айни пайтда мева соҳасида агрофирмалар фаолиятини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам масалага жиддий ёндашган ҳолда илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан ҳам ушбу масала диссертация мавзуси сифатида танланди.

Тадқиқот предмети ва объекти. Бозор шароитида мева маҳсулотларини сотиш тизимида кооперация муносабатларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар тадқиқотнинг предмети бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот объекти сифатида эса Наманган вилоятида фаолият юритаётган мева соҳасидаги агрофирмалар ва бошқа маҳсулот сотиш билан шуғулланувчи кооперативлар танлаб олинган.

Тадқиқот мақсади. Тадқиқотнинг мақсади - бозор муносабатлари ривожланиши шароитида мева маҳсулотларини сотиш тизимида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

¹Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти–тўкин ҳаёт манбаи.-Тошкент. Ўзбекистон. -1997. -29 б.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар ҳал қилинган:

- мева маҳсулотларини сотиш тизимида кооперация муносабатларини ривожлантириш заруриятини илмий ва амалий жиҳатдан асослаш;
- мева маҳсулотларини сотиш тизимида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг ташкилий- иқтисодий масалаларини илмий жиҳатдан ёритиш;
- мева маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳозирги ҳолатига баҳо берган ҳолда тегишли илмий амалий хулосалар ишлаб чиқиш;
- мева маҳсулотларини сотиш тизимида кооперация муносабатлари ҳозирги ҳолати таҳлиллари асосида тавсиялар ишлаб чиқиш;
- мева маҳсулотлари сотиш тизимида кооперация жараёнини йўлга қайишдаги хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида тегишли хулосалар тайёрлаш;
- маҳсулот сотиш тизимида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- мева маҳсулотлари сотиш тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- мева маҳсулотларини сотиш тизимида кооперацияни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси бўлиб ватанимиз ва чет эл аграр иқтисодчи олимларининг илмий ишлари, Президент И. Каримов асарларида олдинга сурилган ғоялар хизмат қилди. Изланишлар агросаноат мажмуини таҳлил қилишга комплекс ва тизимли ёндашувга асосланади.

Тармоқдаги ҳодисаларнинг сабаб-оқибат боғланишларини ўрганиш жараёнида таққослама таҳлил, гуруҳлаш, динамик таққослаш, аналитик ҳисоб, эксперт баҳолаш ва абстракт фикрлаш усулларидан фойдаланилди.

Кутиладиган илмий натижалар. Тадқиқот натижалари илмий янгилиги қуйидаги ишланмаларда ўз ифодасини топган:

- бозор шароитида мева маҳсулотларини сотиш тизимида кооперация муносабатларини ривожлантириш иқтисодий моҳияти ва зарурияти илмий жиҳатдан асосланган;
- мева маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи кооперативлар таснифи ишлаб чиқилган ва таснифлаш мақсади илмий-амалий асосланган;
- мева маҳсулотларини сотиш тизимида кооперация муносабатларини шакллантиришнинг ташкилий ва иқтисодий асосларини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;
- таҳлиллар асосида мева маҳсулотларини сотиш тизимида кооперативларни ривожлантириш борасидаги хорижий тажрибаларнинг муҳим жиҳатлари юзасидан хулосалар тайёрланган;
- маҳсулот сотиш тизимида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

- давлат томонидан мева маҳсулотлари сотиш тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш йўналишлари бўйича таклифлар тайёрланган;
- мева маҳсулотларини сотиш тизимида кооперацияни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти Тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган илмий ишланмалар озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини ривожлантириш назарияси ва услубиётини ривожлантиришда, агросаноат тармоқлари ўртасидаги интеграция жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан тегишли ташкилий-иқтисодий тадбирлар ишлаб чиқишда, агробизнесни ривожлантириш масалалари юзасидан амалга ошириладиган амалий ҳамда илмий изланишлар жараёнидан кенг фойдаланиш мумкин.

Шунингдек тавсиялардан олий ўқув юртлари ўқув дастурлари доирасида фойдаланиш тавсия этилади.